

**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг  
2021 йилдаги фаолияти тўғрисида  
ҲИСОБОТ**

**2022 йил  
Тошкент шаҳри**

# Мундарижа

КИРИШ.....	2
АСОСИЙ ҚИСМ .....	4
I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ ШАКЛАНТИРИЛИШИНинг ВА УНИНГ МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТисодий РИВОЖЛАНТИРИШ УСТУВОРЛИКЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИНИНГ ТИЗИМИ ТАҲЛИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШ.....	4
II. ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИНИНГ ВА ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАРНИНГ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ АУДИТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ.....	5
III. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИНИНГ ТЎҒРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ.....	11
IV. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.....	15
V. Бюджет тизими бюджетларига ва белгилangan тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларга маблағлар тушумларининг тўлиқлигини, шунингдек яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чораларнинг амалга оширилишини ўрганиш ҳамда назорат қилиш.....	18
VI. Бюджет тизими бюджетларининг ва белгилangan тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг даромадларини кўпайтириш захираларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали аниқлаш ҳамда сафарбар қилиш.....	24
VII. Бюджет тизими бюджетларининг ва белгилangan тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни барча даражаларда қисқартишишмкониятларини аниқлаш.....	26
VIII. Бюджет тизими бюджетлари маблағлари ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ҳамда асослилигини баҳолаш.....	33
IX. Солиқ, божхона ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришга, тизими қоидабузарликлар сабабларини, шунингдек ҳалқаро тажрибани умумлаштириш ҳамда ўрганиш орқали бюджетни режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этишга доир тақлифлар ишлаб чиқиш.....	37
X. Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджети ҳамда қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромадларга оид ваколатлари ҳамда харажатлар бўйича мажбуриятлари чегараланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини ўзи молиявий жиҳатдан етарлича таъминлашига доир тақлифлар ишлаб чиқиш.....	41
XI. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириqlари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш.....	46
XII. Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсатини, Ўзбекистон Республикасининг активлари ҳамда мажбуриятлари ҳолатини, олтин-валюта захираларининг бошқарилишини, шунингдек қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга оширилаётган операцияларни ташкил аудитдан ўтказиш.....	50
XIII. Давлат бошқарув органларида, шунингдек устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиб бўйича ички назорат тизимини жорий қилишга, шунингдек унинг самарали фаолият кўрсатишига доир чораларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш.....	55
XIV. Бошқа амалга оширилган ишлар.....	57

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2021 йилдаги фаолияти “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонун асосида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300-сонли Фармони билан Ҳисоб палатаси алоҳида юридик ташкилот сифатида қайта ташкил этилиб, янги тузилмаси тасдиқланди.

Фармон билан республикада давлат молиявий назоратининг сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича қатор вазифалар белгиланди.

Топшириқлар ижроси юзасидан қуидагилар амалга оширилди:

1. Халқаро стандартлар асосида фаолиятни такомиллаштириш бўйича 26 та ички меъёрий хужжатлар тасдиқланди.

Жумладан, ташқи аудит тадбирларини режалаштириш ҳамда улар доирасида молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик аудитларини ўtkазиш стандартлари ишлаб чиқилди.

Бунда, аудит ўтказиладиган объектларни танлаш ва аудит тадбирларини ўтказишни ҳар бир босқичида халқаро талаблар асосида мезонлар белгиланиб, холислик, ошкоралик ва шаффофликни таъминловчи қоидалар мустаҳкамланди.

2. Назорат тадбирлари ва натижаларини қамраб оладиган “Давлат аудити” дастурий комплекси 2022 йил 1 январдан ишга туширилди.

3. Россия, Австрия, Туркия, Озарбайжон ва Тожикистон каби давлатларнинг олий аудит органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан 12 марта семинарлар ўтказилди.

Ҳисоб палатаси МДҲ давлатлари Олий аудит органлари раҳбарлари Кенгаши ва Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти – INTOSAIга тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди.

Ҳисоб палатасининг 2021 йилдаги тасдиқланган назорат ишларини йиллик дастурида “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан 46 та назорат тадбирлари режалаштирилиб, амалда қўшимча топшириқлар асосида жами 60 та назорат тадбирлари ўтказилди.

Назорат тадбирлари натижасида:

- 2021 йил учун режалаштирилган бюджет харажатлари 2,1 трлн сўмга, 2022 йил бюджет лойиҳасида кўзда тутилган харажатлар 641 млрд сўмга, мақбуллаштирилиб, бошқа устувор йўналишларга қайта тақсимланиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;

- бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан ноқонуний харажат ва ўзлаштиришлар аниқланиб, уларни бюджетга қайтариш чоралари кўрилди;

- давлат харидлари жараёнида 763 та ҳолатда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганлиги ва бошқа қонунбузилишлар аниқланди;

- давлат бюджетига қўшимча манбалар аниқланди;

- коррупциявий аломатлари қайд этилган 41 та назорат тадбирлари натижалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш ишлари олиб борилди.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган дастурлар ижроси доимий, жойига чиққан ҳолда назоратга олиниб, амалий ёрдамлар кўрсатиб борилди.

Мазкур ҳисоботда Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йилда амалга оширилган назорат тадбирларининг ва таҳлилий ўрганишларнинг натижаларини эътиборга молик жиҳатлари ўз аксини топган.

Хисоб палатасига юклатилган вазифалар ижроси

### **І. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси шакллантирилишининг ва унинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликларига мувофиқлигининг тизимли таҳлилини амалга ошириш.**

2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси Хисоб палатаси томонидан кўриб чиқилди ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига хulosса киритилди.

Тақдим этилган бюджет лойиҳасини янада такомилаштириш бўйича 63 та таклиф ва тавсиялар киритилди.

Шундан, 47 та таклифлар қабул қилиниб, Қонун лойиҳасида ўз аксини топди, 16 таси келгусида бошқа норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатлар режасига 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдорда киритиладиган ўзгартиришларни кўриб чиқища, Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритиладиган таклифларни Хисоб палатасининг хulosаси билан бирга тақдим этиш амалиёти жорий қилинди (ЎРҚ-740, 28.12.2021 й.).

Шунингдек, Хисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, худудларга ташрифлари ва йиғилиш баёнларидан иборат жами 81 та ҳужжатдаги 97 та топшириқларни амалга ошириш учун 2022 йил Давлат бюджети лойиҳасида маблағларни тўлиқ кўзда тутилганлиги таҳлил қилинди.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПҚ-5133-сонли қарорига асосан Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (стандартлаштириш) замонавий ўлчов воситалари учун маблағ режалаштирилмаганлиги аниқланиб, Хисоб палатаси тавсиялар асосида кўзда тутилиши таъминланди.

## **II. Қабул қилинаётган давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги аудитини амалга ошириш.**

Давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги, маблағларни ўзлаштирилиши ва дастурлар доирасида амалга ошириладиган вазифаларни ўз вақтида бажарилиши ҳамда уларнинг натижадорлиги юзасидан жойларга чиққан ҳолда ва масофавий тарзда назорат тадбирлари олиб борилди ҳамда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

**2.1.** Тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда қурилиш, коммунал хўжалиги ва йўл қурилиши соҳасидаги инвестиция лойиҳаларининг жорий ҳолати, шу жумладан 2021 йил инвестиция дастурига киритилган обьектларда қурилиштаъмирлаш ишларини лойиҳалаштириш ва ишларни бажариш учун маблағларни тўлақонли ажратилганлиги ўрганилди.

2019-2020 йилларда Республика бўйича қурилиш, коммунал хўжалиги ва йўл соҳасида умумий қиймати 50,9 трлн сўм бўлган 17 446 та обьектда қурилиш ишлари олиб борилган.

Ўрганишда барча манбалар ҳисобидан 783 та муаммоли обьектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмаганлиги аниқланди.

Хусусан, 144 та мактабгача таълим, 117 та мактаб, 57 та соғлиқни сақлаш, 17 та маданият, 5 та олий таълим, 15 та спорт, 214 та коммунал хўжалиги, 69 та автомобиль йўллари ва 145 та бошқа ижтимоий обьектлар фойдаланишга топширилмаган.

Ўрганиш даврида кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида 221 та ижтимоий обьектларни ишга туширилиши таъминланди.

Кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида, муддатидан кечикаётган олдинги йиллардан ўтувчи 403 та обьект бўйича манзилли рўйхатлар шакллантирилиб, 653 млрд сўм маблағлар молиялаштирилди, қолган 72 таси бўйича ишларни ўз вақтида бажарилиши назоратга олинди.

Бундан ташқари, 924 та обьектни шаҳарсозлик ва комплекс экспертизаси ўтказилиб, лойиҳаларга асоссиз киритилган бюджет

маблағлари оптимизация қилинди ҳамда 1 та объектда халқаро молия институтларининг маблағларини иқтисод қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига Ҳисоб палатасининг кўрсатмаси юборилди.

Шунингдек, халқаро молия институтлари томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар бўйича тендер ҳужжатларидаги бошланғич нархларни юқори қийматларда шакллантириш ҳолатлари аниқланди.

Масалан, Тошкент вилоятида ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш лойиҳасининг қиймати оширилган.

Бунда, сув ҳисоблагични лойиҳага қимматроқ киритилиб маблағлар ортиқча режалаштирилган.

Янгидан бошланувчи 5 та объектнинг тендер савдолари ўтказилиб, 9,9 млрд сўм маблағларни молиялаштириш, 80 та объект бўйича тендер савдоларини ўтказиш учун эълонларни берилиши таъминланди.

Кўрсатилган амалий ёрдам натижасида халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 2021 йилда янгидан бошланувчи 12 та объектдан 8 таси бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Масалан, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2910-сон қарорда белгиланган Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги Чуст, Поп ва Наманган туманлари ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда Чуст ва Мингбулоқ туманлари канализация тизимларини қуриш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқилиши таъминланди.

2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига киритилган қурилиш, коммунал хўжалиги ва йўл соҳалари бўйича 53 та истиқболли лойиҳаларни амалга оширилиши режалаштирилиб, шундан 10 та лойиҳа бўйича Осиё тараққиёт банкининг 2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси тармоқларини ривожлантириш учун ажратиладиган маблағлари ҳисобидан молиялаштириш режасига киритилди.

Назорат тадбирларида ишчи гурӯҳлар томонидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли ишлатилганлиги, қурилиш-таъмирлаш ишларини сифати, ўтказилган тендер савдолари ва амалга оширилган давлат харидларини қонунийлиги ҳамда

ҳаққонийлиги бўйича 2 429 та объектда назорат тадбирлари ўтказилиб, айрим объектларда хато ва камчиликлар ҳамда тендер савдоларида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди.

Ишчи гуруҳ томонидан ҳудудларда 85 та ҳолатда “манфаатлар тўқнашуви” аниқланиб, 413 та объектда ўрганиш ишлари олиб борилди.

Текширишлар натижасида 536 нафар шахслар маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди, 285 нафар мансабдор шахслар расман огоҳлантирилди ва 69 та тақдимномалар киритилди.

Амалга оширилган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш, қонун бузилишларни барвақт олдини олиш мақсадида 10 дан ортиқ видео материаллар тайёрланиб, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритилди.

Назорат тадбирлари давомида Ишчи гуруҳлар томонидан кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида камчиликлар бартараф қилинди.

Жумладан, бажарилмаган ишлар якунига етказилди, сифатсиз ишлар қайта бажартирилди, солик тўловлари ва моддий заарар ундирилди, ортиқча тўланган маблағлар қайтарилди ва бошқа молиявий камчиликлар бартараф қилинди.

Мисол учун, автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларида пудратчиларга 26,6 минг тонна битум маҳсулотлари учун ортиқча молиялаштирилган маблағлар бажарилган ишлар учун келгусидаги тўловлар ҳисобидан чегириб қолинди.

**2.2. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш Дастурларининг ижроси ҳамда маблағларни молиялаштириш ҳолати ўрганилди.**

Ипотека учун бюджетдан ажратилган 1,1 трлн сўм субсидиялардан 7 959 та уй-жойлар учун бор йўғи 240,5 млрд сўми фойдаланилган.

Амалдаги қонунчиликда 2021 йил 10 декабрга қадар уй-жой майдони 70 кв. метргача ва нархи 400 млн сўмгача бўлган чекловлар бўлганлиги сабабли, 2021 йил 1 декабр ҳолатига республика бўйича 23 мингдан зиёд ижобий хulosалар берилган бўлсада, субсидиялар тўланмасдан қолган.

Ўрганишда аниқланган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига таклифлар киритилди.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ – 33 -сонли Фармонига асосан ипотека кредитлари шартларидан ушбу чекловлар чиқариб ташланди ва эҳтиёжманд аҳолига дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун 32 млн сўм субсидия тўланиши белгиланди.

**2.3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги ПҚ-4929-сон ва 2021 йил 30 апрелдаги ПҚ-5101-сон қарорларига асосан маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини (зоналар) ташқи муҳандислик - коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинди.

Республикада 437 та зоналар ташкил этиш учун жами 16,8 минг гектар ер майдони ажратилган.

Лекин 2021 йил 1 октябрь ҳолатига зоналарда лойиҳалар жойлаштирилмаганлиги натижасида ажратилган 31 фоиз (5,3 минг гектар) ер майдони бўш турганлиги, бош режаларга асосан 429 та зона ҳудудида лойиҳаларни жойлаштириш режаси 47 фоизга бажарилганлиги, шу жумладан 67 та зона ҳудудида биронта лойиҳа жойлаштирилмаганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, 30 та зонанинг бош режалари ишлаб чиқилмаган ва лойиҳаларни йўналишлари аниқ белгиланмаган.

2021 йилда ишга тушиши белгиланган объектларни қурилиши учун 278,1 млрд сўм лимит ажратилган бўлсада, 2021 йил 1 октябрь ҳолатига амалда қурилиш ишлари бошланмаган.

Ушбу аниқланган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига таклифлар киритилди.

**2.4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5048-сонли қарори ижроси бўйича масъул ходимлар бириктирилиб, ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Қарор доирасида давлат бюджетидан жами 10,6 трлн сўм, шундан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига 2 трлн сўм, инвестиция дастурига 8,6 трлн сўм маблағ ажратилган.

Бош прокуратура ва Ҳисоб палатасининг қўшма фармойиши тасдиқланди.

Ажратиладиган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши юзасидан Республика штаби томонидан олиб доимий назорат ишлари олиб борилди.

Бунда, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доиравида ҳар бир обьектдаги олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларини Бош прокуратуранинг “Бюджет назорати” дастурий комплекси орқали онлайн назорати йўлга қўйилди.

Ушбу дастурий комплексга жамоатчилик томонидан эътиroz ва таклифларни қабул қилиш тизими яратилди.

Амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Президент Администрациясига ахборотлар киритиб борилди.

**2.5. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ** Махсус механизациялашган йўл станцияси томонидан худудларда ичимлик сув иншоотлари ва тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича амалга оширилган лойиҳалар текширилди.

Текшириш танлов асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларидаги умумий қиймати 3 та лойиҳалар доиравида амалга оширилди ва хато ва камчиликлар аниқланди.

Жумладан, лойиҳаларга нархларни қиммат ҳамда материаллар сарфини белгиланган меъёрларга нисбатан ортиқча киритиш, бажарилмаган ишларни ҳисботларга қўшиб ёзиш ҳамда лойиҳадан ташқари ёки сифатсиз бажарилган ишлар холатлари аниқланди.

Текшириш натижалари бўйича аниқланган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида, ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тақдим қилинди.

**2.6. Жиззах вилоятида ирригация ва мелиорация обьектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклиш** бўйича амалга оширилган лойиҳалар ҳолати текширилди.

Текширишда, шартномаларни тузиш ва тендер савдоларини ўтказишида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Лойиха-смета хужжатларига қурилиш материаллари ва машина-механизмлар эксплуатация харажатларининг смета баҳоси 34 та ҳолатда қиммат нархларда киритилган.

Назорат тадбирида 28 та объектда амалга оширилган ишлар бўйича хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан,

- бажарилмаган ишлар ҳисоб-фактураларга қўшиб ёзилган;
- ишлар сифатсиз бажарилган;
- самарасиз сарфланган.

Текшириш натижалари бўйича аниқланган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида, хужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тақдим қилинди.

### **III. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларининг тўғри қўлланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш.**

**3.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан 6 та назорат тадбирлари амалга оширилди. Бунда “Электрон кооперация портали маркази” давлат корхонаси, Давлат божхона қўмитаси, “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ, Давлат солик қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлар базалари ахборотларидан фойдаланилди.

Назорат тадбирлари давомида давлат буюртмачилари томонидан харидларни рақобатли усулларини четлаб ўтиб қонунчиликка зид равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, юқори нархларда харидларни амалга ошириш, белгиланган тартибда ҳужжатларни экспертизадан ўтказмаслик ҳолатлари учраётганлиги аниқланди.

**3.2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 авгуstdаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4812-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, давлат буюртмачилари томонидан импорт харидларини амалга оширишда маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиши Давлат божхона қўмитаси маълумотлар базаси ахборотлари асосида таҳлил қилинди.

Давлат буюртмачилари томонидан 2019 йилда 46,8 трлн сўмлик, 2020 йилда 51,8 трлн сўмлик товарлар импорт қилинган.

Амалга оширилган импортни 2019 йилда 4 фоизи бюджет ва 96 фоизи корпоратив буюртмачилар томонидан, ушбу кўрсаткичлар 2020 йилда мос равища 5,7 ва 94,3 фоизни ташкил этган.

2019-2020 йилларда товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига етказиб бериш шарти билан тузилган шартномалари ўрганилганда 2 319 та ҳолатда 228 та ташкилотлар томонидан божхона қийматини олиб кириладиган товарга доир битимнинг қиймати бўйича аниқлаш учун лозим бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган ёки лозим даражада расмийлаштирмаган.

2019-2020 йилларда ушбу товарлар бўйича давлат буюртмачилари томонидан божхона тўловлари учун қўшимча харажатлар амалга оширилган.

Шунингдек, давлат буюртмачилари томонидан импорт товарларининг келиб чиқиши сертификатини тақдим этмаслик натижасида, давлат божи учун божхона божлари максимал ставкалар кўлланган ҳолда ёки икки баравар оширилган ставкада тўланган.

Товарларнинг божхона омборларида олти ойдан ортиқ муддат сақланганлиги натижасида давлат буюртмачилари томонидан божхона тўловлари учун ортиқча харажатларга йўл қўйилган.

Таҳлил натижаларига кўра, камчиликларни бартараф этиш ва маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича Ҳисоб палатаси томонидан “Йўл харитаси” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

ПҚ-4812 сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида Халқаро аудиторлик корхоналари ва Молия вазирлиги билан биргалиқда алоҳида белгиланган давлат буюртмачилари бўйича аудит тадбирлари ўтказилиб Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда таҳлилий ахборот киритилди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва харид тизимини такомиллаштириш бўйича 25 га яқин таклифлар тайёрланди.

Таҳлиллар натижалари ва “Йўл харитаси” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

**3.3. Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси портали орқали 2019-2020 йиллар ва 2021 йилнинг январь-май ойларида амалга оширилган давлат харидларининг қонунийлиги юзасидан ўрганиш ўтказилди.**

Ўрганишда меъёрий талабларни белгилаш, шаффофликни таъминлаш, давлат ташкилотларининг ахборот базаларини ўзаро мувофиқлаштириш йўналишларида тизимли камчиликлар аниқланди.

Масалан, оператор томонидан инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган ижрочилар учун савдоларда қатнашиш бўйича тақиқлар ўрнатилмаганлиги сабабли 27 та ҳолатда инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган етказиб берувчилар билан савдолар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги ПҚ-3386-сонли қарорига мувофиқ монопол корхоналарни фақат биржа савдолари орқали сотилиши белгиланган юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлари рўйхатига

киритилган 15 турдаги маҳсулотлар асосиз равишда Оператор томонидан савдоларга жойлаштирилганлиги аниқланди.

Ўрганиш натижаси бўйича аниқланган ҳолатларни бартараф этиш ва уларни келгусида такрорламаслик юзасидан Ҳисоб палатаси томонидан барча йўналишлар бўйича 12 та таклиф ишлаб чиқилди ва амалга ошириш бўйича қўрсатмалар берилди.

Ўрганиш натижалари бўйича аниқланган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида, ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тақдим қилинди.

**3.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги “Давлат харидлари шаффоғлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5171-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ ва Давлат божхона қўмитаси маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда алоҳида тартибда назорат қилинадиган давлат буюртмачилари харидлари ўрганилди.**

Ўтказилган ўрганишда:

- давлат харидларидағи иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар хариди амалга оширилганлиги;
- шартномалар манфаатлар тўқнашуви билан тузилиб, харидлар амалга оширилганлиги;
- 597 та ҳолатда танлов ва 16 та ҳолатда тендер савдолари натижалари маҳсус ахборот порталига умуман жойлаштирилмаганлиги;
- 1 924 та ҳолатда корпоратив буюртмачиларнинг ижрочиларнинг ҳисоб рақамига жарима сифатида ўтказиб берилганлиги аниқланди.

Аниқланган ҳолатларни бартараф этиш бўйича 30 дан ортиқ таклифлар ишлаб чиқилди ва келгусида уларни олдини олиш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга қўрсатмалар юборилди.

Давлат харидлари маҳсус портали операторлари билан ҳамкорликда дастурий таъминотларга тегишли ўзгартириш ва чекловлар ўрнатилди.

**3.5.** Асосий истеъмол товарларининг ““Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ орқали реализация қилинишида нархлар барқарорлигини таъминлаш юзасидан доимий мониторинг ишлари олиб борилди.

Жумладан, автобензин маҳсулоти, дизель ёнилғиси, пахта ёғи, шакар ва суюлтирилган газ маҳсулотларининг нарх барқарорлигини таъминланиши назоратга олинди.

Масалан, ишлаб чиқарувчилар томонидан автобензин маҳсулоти ва дизель ёнилғисининг биржа савдоларига етарли ҳажмда ва мақбул лотларда қўйилиши ҳамда нархлар даражаси кунлик назоратга олинди.

Жумладан, биржада сотувга қўйилаётган автобензин ҳажми 15 фоизгача кўпайди. Ҳудудлар бўйича жами 350 га яқин улгуржи ва чакана савдо корхоналарини савдо сессияларида мунтазам катнашишлари учун қулай муҳит яратилиб, савдолардаги иштироки таъминланди.

Шакар маҳсулоти бўйича давлат захираларини бошқариш қўмитаси томонидан ўртacha 3 000-3 200 тонна маҳсулотни биржа савдоларига чиқариш ҳисобига сотувга қўйилаётган шакарнинг умумий ҳажми кескин кўпайди.

Биржа савдоларида 1 тонна шакар нархи кунлик кескин ўзгаришларсиз барқарор ҳолда сақланиб қолмоқда.

#### **IV. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.**

“Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунга асосан бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш юзасидан қуийдаги ишлар амалга оширилди.

**4.1.** “Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом Молия вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди ва Адлия вазирлигига 2021 йил 7 майда 3299-сон билан рўйхатдан ўтказилди.

Ушбу Низомда бюджет жараёнига доир маълумотларни расмий веб-сайтда жойлаштириш тартиби белгиланди.

Хусусан, Низомда биринчи ва иккинчи даражали ҳамда ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, давлат молиявий назорат органлари (очиқ маълумотларни етказиб берувчилар) томонидан ўз расмий веб-сайтларига бюджет жараёнини очиқлигини таъминлайдиган маълумотларни жойлаштириш муддатлари ва шакллари кўрсатиб ўтилди.

**4.2.** Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 2021 йилнинг иккинчи ва учинчи чоракларида ўз расмий веб-сайтларига бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлайдиган ахборотнинг жойлаштирилиши юзасидан масофавий тарзда ўрганиш ўтказилди.

Ўрганишда биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчилари ҳисобланган 61 та вазирлик, идора ва давлат мақсадли жамғармаларининг расмий веб-сайтлари қамраб олинди.

Ўтказилган ўрганишларда, 2021 йилнинг II-чорак якунлари бўйича 61 та вазирлик, идора ва давлат мақсадли жамғармаларининг 19 тасида (31 фоиз) тегишли ахборотлар тўлиқ жойлаштирилган бўлса, 25 та (41 фоиз) вазирлик ва идоралар томонидан ахборотлар қисман жойлаштирилган.

Қолган 17 та (28 фоиз) вазирлик ва идоралар томонидан эса ўзларининг расмий веб-сайтларига бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлайдиган ахборотлар умуман жойлаштирилмаган.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси, Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси, Нуроний жамғармаси ва бошқалар.

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш учун ахборотларни жойлаштиришга масъул (мансабдор) ходимлар бириктирилган раҳбар буйруғи ва тегишли жадваллар асосида маълумотларни Ҳисоб палатасига тақдим этиб борилиши юзасидан вазирлик ва идораларга Ҳисоб палатасининг сўрови юборилди.

**4.3.** Очиқ маълумотларни етказиб берувчи 133 та ташкилотлар томонидан расмий веб-сайтларига бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлайдиган маълумотларни жойлаштирилганлиги 2021 йилнинг 3 - чораги якунлари бўйича ўрганилди.

Ўрганишда очиқ маълумотларни етказиб берувчилардан 10 таси (8 фоизи) барча маълумотларни расмий веб-сайтларига жойлаштиргани (Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқалар), 31 таси (23 фоизи) маълумотларни тўлиқ жойлаштиргани (Транспорт, Энергетика, Ташқи ишлар вазирликлари ва бошқалар), 82 таси (61 фоизи) маълумотларни умуман жойлаштиргани (Қишлоқ хўжалиги, Маданият, Туризм ва спорт, Инновацион ривожланиш вазирликлари, Кинематография, Миллий антидопинг агентликлари ва бошқалар), қолган 10 тасида (8 фоизи) расмий веб-сайтлари мавжуд эмаслиги аниқланди (Маданий мерос агентлиги, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси, Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси ва бошқалар).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, барча очиқ маълумотларни етказиб берувчиларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатилган муддатларни ҳамда бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланганлиги ҳақидаги огоҳлантиришларни ўз ичига олган кўрсатмалар юборилди.

Ҳисоб палатаси томонидан Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши бўйича 2022 йилнинг 17 февраль куни “вебинар” ўтказилди.

“Вебинар”да қайд этилган Низомнинг мазмун ва моҳияти ҳамда талаблари батафсил тушунтирилди.

Бунда Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги масъуллари томонидан тегишли презентациялар қилинди.

Ушбу тадбирда 133 дан зиёд вазирлик ва идораларнинг 242 нафар масъуллари қатнашиб, берилган барча саволларга малакали жавоблар ҳамда тушунтиришлар берилди.

Шу билан бирга масъуллар бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этмаслик маъмурий жавобгарликка тортиш учун сабаб бўлиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилди.

Ўтказилган тадбир тўғрисида маълумотлар Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг расмий-веб-сайтларига жойлаштирилди.

Ҳисоб палатаси очиқ маълумотларни етказиб берувчилар томонидан бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя қилиниши устидан тизимли ва қатъий назорат ўрнатди.

## **V. Бюджет тизими бюджетларига ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларга маблағлар тушумларининг тўлиқлигини, шунингдек яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чораларнинг амалга оширилишини ўрганиш ҳамда назорат қилиш.**

**5.1.** Ушбу йўналишда ҳисобот йилида тизимли назорат ҳамда солиқ турлари ва ҳудудлар бўйича кунлик мониторинг ишлари давом эттирилди.

Давлат бюджетига 2021 йилда даромадлар тушуми 164,7 трлн сўмни ташкил этиб, белгиланган 147,2 трлн сўм прогноз кўрсаткичлари 17,5 трлн сўмга (12 фоиз) орттириб бажарилди, 2020 йилга нисбатан 31,7 трлн сўм (24 фоиз) кўп тушумлар жалб қилинди.

Жумладан, солиқ тушумлари бўйича бюджетга 127,8 трлн сўм жалб қилинди ва белгиланган 112,7 трлн сўм прогноз кўрсаткичлари 15,1 трлн сўмга (13 фоиз) орттириб бажарилди, 2020 йилга нисбатан 24,3 трлн сўм (24 фоиз) кўп солиқ тушумлари жалб қилинди.

Божхона тушумлари бўйича бюджетга 33,2 трлн сўм жалб қилиниб, белгиланган 29,4 трлн сўм прогноз 3,8 трлн сўмга (13 фоиз) орттириб бажарилди. Бюджетга 2020 йилга нисбатан 8,5 трлн сўм (35 фоиз) кўп божхона тушумлари жалб қилинди.

Бошқа тушумлар бўйича бюджетга 3,6 трлн сўм тушумлар жалб қилинди ва белгиланган 5,0 трлн сўм прогноз кўрсаткичлари 1,4 трлн сўмга бажарилмади.

Мазкур прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаслигига кўшилган қиймат солиғидан салбий фарқнинг қоплаб берилиши таъсир кўрсатган.

Давлат бюджети даромадларининг, жумладан солиқ ва божхона тўловларининг йиғилувчанлик даражаси Ҳисоб палатаси томонидан дастурий равишда тизимли таҳлил қилиб борилди.

Хусусан, барча солиқ турлари бўйича прогноз ва ҳақиқатдаги кўрсаткичлар юзасидан кунлик, ойлик ва чораклар кесимида мониторинг олиб борилди.

**5.2.** Худудларда прогноз кўрсаткичлар ижроси, бюджет даромадлари тўлиқлигини таъминлаш, қўшимча даромад манбаларини аниқлаш ва яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳволи ўрганилди.

Ўрганишларда солиқ идораларининг қуи тизимидаги мутасаддилар томонидан прогноз кўрсаткичлари ижросида ва солиқ қарздорликларини ундиришда қолоқлик, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаслик ҳолатларига ҳамда бошқа хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Хусусан, 5 та ҳудудда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг солиқ қарздорлиги йил бошига нисбатан қарийб икки баробар ошган.

Масалан, Тошкент вилоятида умумий қарздорлик миқдори 2021 йил бошига нисбатан 60 фоизга ошган бўлса, шундан фаолият кўрсатаётган корхоналар қарзи қарийб 43 фоизга кўпайган.

Таҳлилларга кўра қарздорликнинг ўсишига камерал текширувларда аниқланган солиқларнинг 36 фоизи, жиноят ишлари доирасида ўтказилган солиқ аудити бўйича ҳисобланган тўловларнинг бор-йўғи 5 фоизи ундирилганлиги сабаб бўлган.

Мажбурий ижро бюросига солиқ қарзини ундириш бўйича юборилган 44 264 та ижро ҳужжатлари иш юритувга қабул қилинмасдан солиқ идораларига қайтариб юборилган.

Бундан ташқари, ўрганилган 6 та ҳудудда тадбиркорлик субъектларидан ортиқча тўловлар ундирилиб, 82,1 млрд сўми ҳисбот давридан сўнг қайтариб берилган.

Жумладан, Тошкент шахрида 77 фоизи, Бухорода 71 фоизи, Навоийда 95 фоизи, Сирдарёда 90 фоизи қайтариб берилган.

Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Навоий вилоятларида ўтказилган ўрганишларда 76,3 млрд сўм солиқлар ҳисобланмаганлиги, манбалари аниқланмаганлиги ёки ундириш чоралари кўрилмаганлиги аниқланди. Жумладан:

1. Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарган корхоналар ўрганилганда, қурилишда ишлатилган материаллар кирим қилинмаганлиги ва тушумлар яширилганлиги натижасида бюджетга солиқлар ҳисобланмаган.

2. Давлат харидлари бўйича товар ва хизматларни реализация қилган корхоналар ҳисботида тушумларни яшириш орқали бюджетга солиқлар ҳисобланмаган.

3. Йирик пул айланмасини амалга оширган субъектлар томонидан солиқлар ҳисобланмай қолганлиги аниқланди.

4. Давлат бюджетидан нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ажратилган субсидиялар таҳлил қилинганда, уларнинг иш ҳақи учун сарфланган қисми бўйича тўлов манбаида даромад солиғи тўланмасдан қолган.

5. Солиқ ҳисботларини киритиш, айланмадан олинадиган солиқ тўловига ўtkазилмаган тадбиркорлар, транспорт хизмати кўрсатаётган субъектлар каби бошқа йўналишларда манбалар бюджетта жалб қилинмаган.

**5.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сон Фармони ижроси ўрганилди.**

Таҳлиллар Худудий комиссиялар томонидан яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича ишлар етарли даражада ташкил қилинмаганлигини кўрсатди.

Хусусан, Андижон, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган “йўл хариталари” ишлаб чиқилмаган ёки Махсус комиссия томонидан тасдиқланмаган.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширган, солиқ органларига “ноль” ҳисбот топширган ва бошқа корхоналар танланма асосда ўрганилганда 403 та корхонада 1 570 нафар ишчи ва хизматчилар норасмий фаолият кўрсатаётганлиги аниқланди.

Биргина Самарқанд вилояти мисолида, кўчмас мулк обьектлари мавжуд бўлган ва “ноль” ҳисбот топширган 437 та юридик шахслар ўрганилганда, ҳақиқатда уларнинг 374 таси фаолият юритиши, шундан 228 та корхонанинг 913 нафар ишчиси “норасмий” ишлаётгани аниқланди.

Шунингдек, 480 та корхона ҳисоботда реализация ҳажмини “ноль” кўрсатган бўлсада, 8 млрд сўмлик электр, газ ва сув истеъмол қилган. Уларнинг 121 таси ўрганилганда 76 та (63 фоиз) корхона ҳақиқатда фаолият юритаётгани, 208 та ходим норасмий ишлаётгани маълум бўлди.

Сувтаъминот корхоналарида истеъмолчи сифатида рўйхатга олинган автомобилларни ювиш шохобчалари танланма асосда ўрганилганда, 5 та вилоятда 391 та шахобча ноқонуний фаолият юритаётгани ва солиқ тўланмаганлиги аниқланди.

Юк ташиш ва транспорт хизмати, ижара, ишлаб чиқариш каби фаолиятлар билан шуғулланаётган 1 573 нафар тадбиркорлик субъектлари солиқ органлари назоратидан четда қолган.

Сирдарё вилоятининг 3 та туманида ўрганилган 67 та тадбиркорлик субъектларидан 15 таси ноқонуний фаолият юритаётгани, 44 тасида назорат-касса машинасидан фойдаланмаётгани аниқланди.

Юқоридаги ҳолатлар Ҳисоб палатаси бошчилигида вилоятларда ўтказилган йиғилишларда атрофлича муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича масъул ташкилотларга топшириқлар берилди ҳамда назорати ҳокимликларга юклатилди.

Худудларда яширин иқтисодиётга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Махсус комиссияга топшириқлар берилди. Топшириқ ижроси юзасидан Молия вазирлиги томонидан худудларга тегишли кўрсатмалар юборилди.

**5.4. Худудларда “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва банкротликка оид бошқа қонунчилик хужжатларининг ижроси ўрганилди ҳамда банкротлик ишларини кўриб чиқишдаги иштирокчиларнинг фаолияти таҳлил қилинди.**

2019-2021 йилларда банкрот сифатида тугатилган 15 438 та хўжалик юритувчи субъектларнинг қарздорлиги ҳисобдан чиқарилган.

Ўрганишда энг юқори солиқ қарздорлиги мавжуд бўлган 84% қарздорлиги ҳисобдан чиқарилган хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлик ишлари ҳамда банкротлик аломатлари мавжуд бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг ишларини

қонунчилиқда белгиланған тартибда күриб чиқилиши таҳлил қилинди.

Таҳлилларда қуидаги қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, Давлат солиқ құмитаси тизимидағи камчиликлар:

- солиқ назорати тұлақонли амалга оширилмаганлиги оқибатида 313 та банкрот деб топилған корхоналарни солиқлари ҳисобланмасдан қолган;

- солиқ текширувларида 11 та корхонада солиқ тұлашдан бүйин товлаганлик ҳолатлари қайд этилмаган;

- солиқ қарздорлиги мавжуд бўлган 4 580 та корхона мулқорининг субсидиар жавобгарлиги масаласи ҳал қилинмаган;

- солиқ қарздорлигига эга 13 297 та субъектни банкрот деб топиш тұғрисидаги мурожаатлар қонунчилиқда белгиланған муддатларда тегишли судларга киритилмаган.

Суд бошқарувчилари томонидан йўл қўйилған камчиликлар:

- солиқ қарзига эга 720 та корхонанинг мол-мулки ва дебитор қарздорликларини аниқлаш чоралари кўрилмаган;

- 4 831 та корхона бўйича қарздорликни субсидиар жавобгарлик чоралари кўрилмаган;

- 304 та ҳолатда қарздорликни юзага келишида қасдан банкротликка олиб келиш алматлари аниқланмаган;

- 18 та корхонанинг мулки арzon баҳоланиши оқибатида қарздорликни қоплаш манбаси йўқотилган.

Мажбурий ижро бюроси ва мол-мулкларни қайд қилувчи ташкилотлар (Кадастр, Агроинспекция, ЙХХБ) томонидан йўл қўйилған камчиликлар:

- ҳақиқатда мол-мулки мавжуд бўлган 1620 та қарздорнинг ижро хужжатлари Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлимлари томонидан мол-мулки мавжуд эмас деб қайтариленган.

Бошқа камчиликлар:

- банкротлик асосида тугатилаётган жами қарздорлиги бўлган 31 та корхонага бошқа жами қарздорлиги бўлган 117 та

корхоналарни қўшиш орқали солиқ қарздорлиги ҳисобдан чиқарилган.

Таҳлиллар натижаси бўйича аниқланган ҳолатларни бартараф этиш ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда банкротлик тўғрисидаги қонун хужжатларидағи бўшлиқ ва номутаносибликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идораларга киритилди.

Ўрганишда аниқланган ҳолатларга хуқуқий баҳо бериш мақсадида, хужжатлар хуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тақдим қилинди.

**5.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сонли қарорининг 7-банди билан Давлат активларини бошқариш агентлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар ва ташкилотларда 2019 йил учун олинган ва 2020 йилда олинадиган соф фойда бўйича давлат улушкига ҳисобланган дивиденdlарни тўлиғича Давлат бюджетига ўтказиш юзасидан тегишли чораларни кўриш топширилган.**

Мазкур топшириқ ижроси ўрганилганда, Давлат активларини бошқариш агентлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан 2019 йилда кўрилган соф фойдадан 21 та корхона бўйича давлат улушкига тегишли дивиденdlар тўлиғича Давлат бюджетига ўтказилмаганлиги аниқланди.

Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси билан ўзаро ахборот алмашинуви ва назорат тизими йўлга қўйилмаганлиги ҳисобига 2020 йилда бюджетга дивиденд солиғи ҳисобланмаган.

Ушбу аниқланган дивиденdlар Давлат бюджетига тўлиқ ундирилди.

## **VI. Бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг даромадларини кўпайтириш захираларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали аниқлаш ҳамда сафарбар қилиш.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг дастурий комплексини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарори билан 12 та давлат органлари ва ташкилотларининг дастурий таъминот асосидаги маълумотлар базаларидан реал вақт режимида фойдаланиш, 33 та давлат органлари ва ташкилотлари маълумотларидан сўров асосида фойдаланиш белгиланган.

**6.1.** 2021 йилда солиқларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базасининг ишончлилигини баҳолаш юзасидан Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси аудитдан ўтказилди.

Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси портали орқали амалга оширилган харидларнинг иштирокчилари томонидан етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган иш (хизмат)лар қиймати солиқ идораларига тақдим этилган молиявий ҳисботлар ҳамда божхона қўмитасининг маълумотлар базаси билан солиширилди.

Электрон савдоларда қатнашган 68 та давлат харидлари иштирокчилари томонидан етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган иш ва хизматлар қиймати солиқ идораларига тақдим этилган молиявий ҳисботларда кўрсатилмаганлиги оқибатида солиқлар ҳисобга олинмасдан қолган.

Давлат солиқ қўмитасига кўрсатма юборилиб, ижроси назоратга олинди ва ушбу аниқланган қўшимча даромад суммалари тўлиқ ундирилди.

Мазкур камчиликларни келгусида олдини олиш мақсадида Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси портали билан Давлат солиқ қўмитаси маълумотларини интеграция қилиш ишлари бошланди.

**6.2.** Давлат бюджетининг 2020 йилдаги ижросини ташқи аудитдан ўтказиш жараёнида Давлат божхона қўмитасининг маълумотлар базасида шаклланган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ҳисоб-китобларни тўғри амалга оширилганлиги таҳлил қилинди.

- ҳаракатсиз бўлган пул маблағларини автоматлашган тартибда ҳисобини юритиб бориш ва қонунчиликда белгиланган тартибда давлат бюджетига ўтказиш ишлари тўғри ташкил этилмаганлиги;

- кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконият берилган божхона тўловларига фоиз ҳисобланиши йўлга қўйилмаганлиги;

- Божхона Кодексининг 332 ва 329-моддаларининг бешинчи ва ўнинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бўйича фоиз ҳисобланиши йўлга қўйилмаганлиги каби ҳолатлар аниқланди.

Мазкур ҳолатлар оқибатида давлат бюджетига жалб қилинмаган маблағлар бартараф этилиши таъминланди.

**6.3. Бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобини амалга оширишда фойдаланиладиган Молия вазирлигининг “UzASBO” дастурий комплексининг функционал имкониятларни таҳлил қилиниб, қатор камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.**

Жумладан, “UzASBO” дастурий мажмуасида бюджет ташкилотларига мустақил равишда харажатлар сметасида II-гуруҳ харажатлари (ягона ижтимоий тўлов)ни камайтириб, I-гуруҳ харажатлари (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар)ни кўпайтиришга берилган ҳуқуқ натижасида маблағлар ноқонуний ўзлаштирилган.

Ҳисобланган даромад солиfinи маҳаллий бюджетга ўтказишни таъминловчи назорат функцияси мавжуд эмаслиги оқибатида даромад солиfi иш ҳақи сифатида пластик карталарга ноқонуний ўтказилган.

“UzASBO” дастурий комплексини функционал имкониятларини такомиллаштириш ва аниқланган техник камчиликларни бартараф этиш бўйича Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг 16 та банддан иборат амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Мазкур чора-тадбирлар режаси асосида “UzASBO” дастурий комплексини такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

**VII. Бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни барча даражаларда қисқартириш имкониятларини аниқлаш.**

Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йилда бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни барча даражаларда қисқартириш имкониятларини аниқлаш юзасидан 21 та назорат тадбирлари ўтказилди.

**7.1. Ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисми ҳисобланадиган фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига йўналтирилган бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан тизимли назорат ишлари амалга оширилди.**

Бунда, риск анализ тизими асосида кузатилган шубҳали харажатларни аниқлаш орқали соҳага ажратилган бюджет маблағларини ноқонуний ўзлаштиришнинг олдини олиш чоралари кўрилди.

2021 йил давомида ўтказилган назорат тадбирлари натижасида молиявий хато ва камчиликлар аниқланди.

Ўтказилган назорат тадбирлари натижалари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш, соҳани ривожлантириш борасида вазирлик ва идораларга жами 60 та топшириқдан иборат 8 та кўрсатмалар юборилди.

**7.2. Олий таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижадорлигини ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағларни мақсадли ва самарали фойдаланганлиги юзасидан ўтказилган назорат тадбири натижасида молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан:**

Олий таълим тизимидағи 14 та муассасаларда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда стипендия учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ноқонуний харажатларга йўл қўйилган.

Шундан, белгиланган меъёрларга нисбатан ортиқча штат бирликларини сақлаш, иш ҳақи ва стипендияни ортиқча ҳисоблаш холатларига йўл қўйилган.

Жумладан, бухгалтерия хизматининг ходимлари томонидан Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институтида иш ҳақи ва стипендия учун ҳақиқий эҳтиёжга нисбатан банқдан ортиқча олинган нақд пуллар қалбаки ведомостларни тузиш орқали, Жиззах политехника институтида ўзгаларнинг пластик карталарига асоссиз равиша ўтказиш орқали маблағлар ўзлаштирилган.

Олий таълим муассасаларига қўшимча табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилинган талабаларнинг хужжатлари ўрганилганда, 10 та олий таълим муассасасида 117 нафар талабани Давлат тест маркази маълумотномасидаги балларини соҳталаштириш орқали уларни тўлов-контракти суммаларининг миқдори кам ҳисобланган.

Мисол учун, Тошкент тиббиёт академиясида 2020-2021 ўқув йилида фуқаро Ф.Бахрамова имтиҳон топшириб, ҳақиқатда 56,6 балл олган бўлсада, унинг тўплаган балли 132,7 этиб кўрсатилган ва ундан тўлов-контракт пули олинган.

Бунда, 2021-2022 ўқув йилидан бошлиб табақалаштирилган контракт тўлови асосида ўқимоқчи бўлган талабалар учун онлайн платформа яратилиб, аризалар автоматик тарзда қабул қилиниши ва шартномалар суммасини инсон омилининг аралашувисиз ҳисобланиши йўлга қўйилди.

**7.3.** Андижон шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабларда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобидан ходимларнинг пластик карточкаларига ўтказилган шубҳали тўловлар юзасидан аниқланган ҳолатлар бўйича назорат тадбири ўтказилди.

Назорат тадбирида бюджет маблағлари Андижон шаҳар халқ таълими бўлимини марказлашган ҳисобхона ҳисобчилари томонидан ноқонуний ўзлаштирилганлиги аниқланди.

Текширишда аниқланган ҳолатлар юзасидан тўпланган материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Мазкур ҳолат юзасидан Молия вазирлигига тегишли кўрсатма юборилиб, “UzASBO” дастурига юқоридаги ҳолатларни олдини олиш учун чекловчи модуллар ўрнатилди.

**7.4.** Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида молиявий ва самарадорлик аудити ўтказилди.

Таҳлилларга кўра, соҳага салмоқли даражада маблағлар ажратилаётган бўлсада, уларнинг шаффоғлигини таъминлаш, маблағлардан самарали фойдаланиш, рақамлаштириш ва тиббий суғурта жамғармаси орқали молиялаштириш каби йўналишларда тизимли муаммолар мавжуд.

Маълумот учун, аҳолини бепул дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва вакцина билан таъминлаш учун давлат бюджетидан 2017 йилда 376,4 млрд сўм ажратилган бўлса, 2021 йилда 1,8 трлн сўм ёки қарийб 5 баробар кўп маблағ ажратилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўтказилган назорат тадбирида молиявий хато ва камчиликлар аниқланди.

Туман тиббиёт бирлашмаларида иш ҳақи учун ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши бўйича ўтказилган текширишларда 9 та туман (шаҳар)ларда бюджет маблағлари ноқонуний ўзлаштирилганлигини аниқланди.

Масалан, Ургут, Андижон, Улуғнорда, Боёвут туманларида иш ҳақи учун ҳисобланган маблағлар сохта тўлов ведомостларини расмийлаштириш орқали ноқонуний ўзлаштирилган.

Хорижий кредитлар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида харид қилинган 629 та тиббий жиҳозлар фойдаланилмасдан олти ойдан икки йилгача бўлган муддатда омборларда сақланмоқда.

Дори воситалари нархларига етказиб берувчилар томонидан белгиланган юқори чегарага нисбатан ортиқча устама фоизларини қўлланилиши оқибатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ортиқча харажатларга йўл қўйилган.

Вазирликнинг “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” корхонаси назоратида (буортмачи) бўлган қурилиш таъмирлаш ишларида қўшиб ёзиш, қурилиш материалларига қиммат нархларни қўллаш орқали бюджет маблағлари ортиқча сарфлангани аниқланди.

Бундан ташқари, Тошкент Тиббиёт Академияси биносида дастлабки бажарилган тугалланмаган қурилишлар лойиҳани қайта ишлаб чиқилиши натижасида асоссиз бузилиб, маблағ самарасиз сарфланган.

Ушбу ҳолатларни олдини олиш ва такрорламаслик юзасидан 26 та банддан иборат чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

**7.5. “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонун ҳамда Бюджет кодексига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисботи ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилди.**

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисботини ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш мобайнида ҳисботларда бир қатор хато ва камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига Ҳисоб палатасининг хулосаси юборилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро облигацияларини жойлаштиришдан фоизлар тарзида олинган даромадлари “Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисботда ҳамда ҳалқаро облигацияларнинг фоиз харажатлари учун йўналтирилган харажатлар “Давлат бюджетининг харажатлари ижроси тўғрисида”ги ҳисботда акс эттирилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг маҳаллий бюджетлар даромадлари прогноз кўрсаткичларини ўзгартириш бўйича тегишли қарорлари қабул қилинмаган бўлсада, Молия вазирлиги томонидан прогноз кўрсаткичлари камайтирилган.

Бундан ташқари, Давлат бюджетининг харажатлар ижроси ўрганилганда қуидагилар маълум бўлди.

“2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун талабларига номувофиқ равишда маблағ биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларининг харажатлар сметаларини тузиш жараёнида мақбуллаштирилиб, Молия вазирлиги учун очилган ғазна ҳисоб варакларда режалаштирилган ҳамда 2020 йил давомида қайта тақсимланган.

Маҳаллий бюджетлар даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини аниқлаш ва қўшимча харажатларга йўналтиришда ортиқча тўланган солиқлар ва солик бўлмаган тўловларнинг ўсган қисми чегирилмаганлиги натижасида 2020 йилда 109 та туман ва шаҳарларда шаклланган манбага нисбатан ошиқча харажатлар амалга оширилган.

Шу билан бирга давлат мақсадли жамғармаларининг 2020 йилдаги ижросини ташқи аудити жараёнида бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан:

Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисоботлари 12 ҳолатда нотўғри тузилган бўлиб, банк ва ғазначилик ҳисобрақамларидағи айланмалар билан тафовутлар аниқланди.

Жумладан, умумий ҳисобда ҳисоботларга нисбатан жамғармалар ҳақиқий даромадлари ва харажатлари қўп эканлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 917-сон қарори талаблари бажарилмаган ҳолда, З та давлат мақсадли жамғармалар (Хотин-қизларни ва оилани кўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, Виночиликни ривожлантириш жамғармаси) маблағлари ҳисоби ғазначилик ижроси билан тўлиқ қамраб олинмаганлиги маълум бўлди.

Ўтказилган ташқи аудит ва баҳолаш жараёнида аниқланган ҳолатлар бўйича Ҳисоб палатасини хulosаси белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

**7.6. “Ёшлар-келажагимиз” жамғармаси маблағларининг шакллантирилиши ҳамда улардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ўрганилди.**

Тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш учун Жамғарма томонидан тижорат банкларига 1,2 трлн сўмлик ресурслар ажратилган.

Тадбиркорлик субъектларининг кредит мажбуриятлари бўйича Жамғармадан 8,1 млрд сўмлик кафиллик берилган.

Жамғарма ҳисобидан 2018-2020 йилларда жами 1 491,0 млрд сўмлик харажатлар амалга оширилган.

Жамғарма кафиллиги остида тузилган шартномаларда белгиланган воситачилик тўлови бўйича талабларни бажарилиши назоратга олинмаган, ҳисоб-китоблар тўлиқ юритилмаган.

Натижада, 25 та ҳолатда Жамғармага воситачилик ҳақи ундирилмаган.

Манзилли рўйхат доирасида 82 та тадбиркорлик субъектига ажратилган кредит тўловлари қонунчиликда белгиланган талабларга зид равища ажратилган.

Жамғарма ҳисобидан 243 та лойиҳага ажратилган кредитлардан мақсадсиз фойдаланилган ва мазкур лойиҳалардан 143 таси бўйича тижорат банклари томонидан жарималар қўлланилмаган ҳамда Жамғармага ўтказиб берилмаган.

Ўрганишда янги иш ўрни яратилиши белгиланган умумий қиймати 199 млрд сўмлик 892 та лойиҳалар таҳлил қилинганда, ушбу лойиҳалар доирасида айрим иш ўринларини ҳақиқатда тўлиқ яратилмаганлиги маълум бўлди.

Жумладан 308 та лойиҳалар бўйича яратилиши кўзда тутилган 2 138 та иш ўринлари амалда яратилмаган.

Текширишда аниқланган ҳолатлар юзасидан тўпланган материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

**7.7. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси маблағларини мақсадли сарфланиши ўрганилди.**

Ўрганишда, Жамғарма маблағлари ҳисобидан камомад ва заарлар ҳамда самарасиз ва мақсадсиз харажатларни амалга оширилганлиги аниқланди.

Жумладан, автотранспорт соҳасида давлат стандартлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун “O’zavtotranstexnika” илмий-ишлаб чиқариш маркази ДУК билан тузилган шартномаларга ортиқча (асосланмаган) харажат турлари киритилиб, тўловлар амалга оширилган.

Жамғарма Низоми ва меҳнат қонунчилигига зид равища вазирлик тизимидағи ходимларни рағбатлантиришга Жамғармадан сарфланган.

Худудларда ўрнатилган 132 та бекат бўйича харажатлар сметаларидаги ишлар бажарилмаган бўлсада, тўловлар амалга оширилган.

Ўрнатилмасдан сақланаётган бекатларнинг тегишли конструкциялари (ишлатилган материаллари) бўйича камомад аниқланди.

Берилган лицензиялар учун бож ва йифимлар ҳисобидан Жамғармага маблағлар ундирилмаган.

Вазирликнинг марказий аппарати биносини жорий таъмирлаш бажарилган ишлари бўйича тўловга тақдим қилинган ҳисоб-фактураларга ишларни қўшиб ёзилганлиги аниқланди.

Аниқланган ҳолатларни бартараф этиш ва келгусида олдини олиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига Ҳисоб палатасининг кўрсатмаси юборилди.

Текширишда аниқланган ҳолатлар юзасидан тўпланган материаллар хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

## **VIII. Бюджет тизими бюджетлари маблағлари ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ҳамда асослигини баҳолаш.**

**8.1.** Ҳисобот йилида давлат қарзини самарали бошқариш ва жалб қилинаётган қарзлардан мақсадли фойдаланиш ҳолати, амалга оширилган лойиҳаларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги доимий мониторинг қилиб борилди.

2022 йил 1 январь ҳолатига давлат қарзи 26,3 млрд доллар, шундан давлат ташқи қарзи 23,6 млрд доллар (89,7 фоиз) экв.ни ташкил этади.

Давлат қарзининг 2021 йилда ЯИМга нисбати бўйича барқарорлашиш тенденцияси, аҳоли жон бошига миқдорлари таҳлил қилиниб, хорижий давлатлар билан солиштириб борилди.

Ҳисобот йилида 1 307,8 млн долларлик ташқи қарз ҳисобидан молиялаштирилган 29 та лойиҳанинг мақсадлилиги ва самарадорлиги юзасидан жойларда 5 та назорат тадбири ўтказилди. Жумладан:

- “Навоийазот” АЖда азот кислотаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси;
- “Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш” лойиҳаси;
- қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларидаги лойиҳалар ўрганилди.

**8.2.** Давлат кафолати остида 184,9 млн доллар кредит жалб қилинган ҳолда “Навоийазот” АЖда амалга оширилган азот кислотаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси ўрганилди.

Ўрганишда, молиявий қонунбузилишлар ва бошқа камчиликлар аниқланди.

Лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш даври лойиҳани техник иқтисодий асосларида кўрсатилган 8,7 йил эмас, 10,9 йилни ташкил этиб, лойиҳа ўзини фақат 11 йилдан кейин оқлаши мумкин.

Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий материаллар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига киритилди ҳамда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан таклифлар “Ўзкимёсаноат” АЖга юборилди.

**8.3.** Давлат ташқи қарзи ҳисобига Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган лойиҳаларни амалга ошириш жараёни ва уларнинг самарадорлиги ўрганилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳалар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14 та қарори қабул қилинган ҳамда 11 та лойиҳа доирасида 2 543,3 млн доллар ташқи қарз ва 40,8 млн доллар грант маблағларини ўзлаштириш белгиланган.

Танланма асосдаги ўрганишлар 133 та ҳолатда молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Бундан ташқари, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ва танлов талаблари бузилган ҳолда ҳамда лойиҳа хужжатида кўзда тутилмаган мақсадлар учун 21 та шартномаларни тузилганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ходимлари раҳбар ёки таъсисчи бўлган 4 та юридик шахс лойиҳаларига кредитлар молиялаштириб берилган.

Лойиҳалар доирасида, 2016-2021 йилларда жами 777 та субъектларга солиқ ва божхона имтиёзлари тақдим қилинган бўлиб, шундан амалда молиялаштирилмаган импорт товарлар учун 16 та субъектга имтиёзлар асоссиз қўлланилган.

Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида амалга оширилган лойиҳалар ўрганилганда, 177 та (16 фоиз) лойиҳаларда муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, имтиёзли шартларда 31 та лойиҳага ажратилган кредитлардан мақсадсиз фойдаланилган.

Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий материаллар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига киритилди ҳамда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан таклифлар Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юборилди.

Ўрганиш даврида аниқланган молиявий қонунбузилишлар бартараф этиш чоралари кўрсилди.

Ўрганишда аниқланган ҳолатлар юзасидан тўпланган материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

**8.4.** Жаҳон банкининг 100 млн доллар қарз маблағини жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган “Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш” лойиҳаси ўрганилди.

2021 йил 1 март ҳолатига лойиҳа доирасида жами 944,8 минг доллар (0,9 фоиз) маблағлар ўзлаштирилган, лойиҳа самарали бошқарилмаганлиги ва ишлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли 23 та ҳолатда молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш” лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4409-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”даги 2021 йил 1 март ҳолатига муддати келган 128 та тадбирнинг 67 таси ёки 52 фоизи ижро этилмаган.

Лойиҳа доирасида режага нисбатан бор-йўғи 0,9 фоиз маблағ ўзлаштирилган, Лойиҳани амалга ошириш гуруҳининг жорий харажатлари эса, тўлиқ ҳажмда молиялаштириб келинмоқда.

Хусусан, жами ўзлаштирилган маблағларнинг 382,9 минг доллари ёки 42 фоизи Гуруҳнинг жорий харажатлари учун, жумладан иш ҳақига 337,8 минг доллар сарфланган.

Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий материаллар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига киритилди ҳамда аниқланган қонунбузишлишларни бартараф этиш юзасидан таклифлар Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига юборилди.

Ўрганишда аниқланган ҳолатлар юзасидан тўпланган материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

**8.5.** Сув хўжалиги вазирлиги тизимида давлат ташқи қарз ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар самарадорлик аудитидан ўтказилди.

Ўрганиш натижалари тизимда харажатларнинг самарадорлик кўрсаткичлари пастлиги, соҳада харажатларни мақбуллаштириш имкониятлари мавжудлиги, долзарб муаммолар туфайли ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлигини кўрсатди. Хусусан:

Давлат ташқи қарз ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар самарадорлиги паст, 74 та ҳолатда маблағлардан мақсадсиз фойдаланилган.

“Карши насос станцияларини капитал қайта тиклаш” лойиҳаси доирасида 2020 йилда насос ва двигателлар етказиб бериш бўйича шартнома тузишда тендер ҳужжатлари сохталаштирилган ва “O’zmaxsussuv’t’aminot” МЧЖга тўлаб берилган.

Бу ҳақида консорциум иштирокчилари – Россия ва Венгрия компанияларидан ҳужжатлар сохталаштирилганлиги тўғрисида хulosалар олинди ва хориж компаниялари тендер жараёнларида иштирок этмаганлиги маълум бўлди.

Ушбу шартнома доирасидаги 5 та насос ва электродвигатель нархлари худди шу қувватдагисига нисбатан 18 фоизга қиммат.

Тендер жараёнида ҳужжатларни сохталаштириш оқибатида, давлат манфаатларига зид равишда қиммат нархда шартнома тузилишига йўл қўйилган.

Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий материаллар Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатига киритилди ҳамда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 45 та банддан иборат таклифлар Сув хўжалиги вазирлигига юборилди.

Ўрганишда аниқланган ҳолатлар юзасидан тўпланган материаллар ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

**8.6. Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки иштирокидаги “Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва сув йўлидаги аҳоли пунктларини сув билан таъминлашни тубдан яхшилаш” лойиҳаси ўрганилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 майдаги ПҚ-855-сон қарорига асосан умумий қиймати 48,3 млн долларлик лойиҳани амалга ошириш учун Хитой Халқ Республикаси Эксимбанкининг 44,97 млн доллар кредит маблағларини жалб этиш белгиланган.

Лойиҳа доирасида жами 44,97 млн долларлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши белгиланган бўлиб, амалда 7,01 млн долларлик (15,6 фоиз) ишлар якунланган.

Маълумот учун, Хонобод-Фарғона магистрал ичимлик суви тармоғининг 19,5 км қисми монтаж қилинган, аммо ўз вақтида кўмилмаган. Ҳозирда талон-тарож ҳолатларини олдини олиш мақсадида қувурлар сув тақсимлаш иншоотлари ҳудудига сақлаш учун қайтариб олиб келинган. “Ўзстандарт” агентлигининг хulosасига кўра қувурлар ичимлик суви учун яроқсиз ҳолатга келган.

Шунингдек, лойиҳа доирасида етказиб берилган товарлар учун 5,35 млн доллар бўнак (аванс) тўланган.

2011 йилда бажарилган ишлар юзасидан жиноят иши қўзғатилгач, Хитой пудратчиси томонидан барча қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган.

2017-2018 йилларда ХХР Эксимбанки олдидаги тўлов мажбурияти хукуматлараро ўзаро ҳамкорлик муносабатлари доирасида давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб берилган.

2020 йил 24 июлда Хитой пудратчиси билан ўзаро келишув битимиға мувофиқ шартнома бекор қилинган. Мазкур битимга асосан Хитой пудратчисига тўланган барча тўловларни лойиҳа доирасида бажарилган ишлар ва етказиб берилган товарлар қийматига тенглиги кўрсатиб ўтилган ҳамда тарафлар ўзаро даъво ва мажбуриятлардан воз кечишган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4040-сон қарорига асосан лойиҳани давом эттириш мақсадида 60 км ичимлик сув тармоғига 210 млрд сўм ажратилган.

Юқоридаги лойиҳанинг Фарғона вилоятидаги 30 км (40 фоиз) қисми учун 2019-2021 йилларда жами 95 млрд сўм маблағ ажратилган.

2021 йил 1 июнь ҳолатига 69,8 млрд сўм молиялаштирилган ва 63,4 млрд сўмлик ишлар бажарилган бўлиб, фойдаланишга топшириш муддати 2021 йил этиб белгиланган ҳамда бош пудратчи сифатида “Фарғона Меъмор Қурилиш” МЧЖ танланган.

Бироқ, ичимлик сув тармоғини бошланғич нуқтаси бўлган Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги “Кампировот” сув тозалаш иншооти ва магистрал тармоқларда қурилиш ишлари қайта бошланмаган.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш ва лойиҳани давом эттириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилди.

**IX. Солик, божхона ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, тизимли қоидабузарликлар сабабларини, шунингдек халқаро тажрибани умумлаштириш ҳамда ўрганиш орқали бюджетни режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқиши.**

**9.1. Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йилда олиб борилган назорат тадбирлари давомида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб,**

10 та йўналишда жами 208 та таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда тегишлилиги бўйича норматив-хукуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ёки ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ахборот тизимларини такомиллаштириш юзасидан ваколатли ташкилот ва идораларга юборилди.

Жумладан, норматив-хукуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ёки амалдагиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан 79 та, ички идоравий ҳужжатлар ҳамда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш юзасидан 95 та, бюджет тизими бюджетлари харажатларини оптималлаштириш, маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан 21 та, бюджет ва мақсадли жамғармаларга тушумларни ундирилишини таъминлаш юзасидан 13 та таклифлар тегишлилиги бўйича ваколатли ташкилот ва идораларга юборилди.

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва 2022 йил учун Бюджетнома бўйича Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалар бюджетлари даромадларини ошириш ва харажатларини мақбуллаштириш, қонун ҳужжатларини, солик-бюджет сиёсатини такомиллаштиришга доир 47 та таклифлар берилди.

Бундан ташқари, “2020 йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот” юзасидан ўтказилган аудитда қуий бюджетларга бюджет ссудаси шаклидаги бюджетлараро трансферт йиллик икки фоизли миқдорда берилган бўлсада, резидент-юридик шахсларга миллий ва хорижий валютада маблағлар фоизсиз ажратилганлиги аниқланди.

Шунингдек, Бюджет кодексида бюджет ссудаси резидент-юридик шахсларга фоизсиз ёки фоиз тўлаш шарти билан берилиши мумкинлиги аниқ белгиланмаган бўлсада, халқаро молия институтларидан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан резидент-юридик шахсларга фоизсиз ёки олинган қарзнинг фоиз ставкасидан паст фоиз ставкаларида бюджет ссудалари ажратилган.

Бироқ, Бюджет кодексининг 140-моддасига асосан маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаси шаклидаги бюджетлараро трансферт

(бюджет ссудаси) бир молия йилидан ортиқ, аммо уч молия йилидан ортиқ бўлмаган муддатга йиллик икки фоизли миқдорда берилади.

Мазкур ҳолатларни олдини олиш ва бюджет маблағлари ликвидлигини таъминлаш ҳамда ташқи қарз маблағлари бўйича бюджет харажатларини қисқартириш мақсадида, резидент-юридик шахсларга миллий валютада бериладиган бюджет ссудаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган ставкада бериш ҳамда резидент-юридик шахсларга хорижий валютада бюджет ссудаларини бериш амалиётини тўхтатиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Ушбу таклиф лойиҳаси Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар томонидан кўриб чиқилиб, Бюджет кодексининг 158-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши натижасида резидент-юридик шахсларга бюджет ссудалари ва кредит линиялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги фоиз ставкалари бўйича берилиши ҳамда резидент-юридик шахсларга бюджет ссудаларини ва кредит линияларини чет эл валютасида бериш тақиқланиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги “Давлат улуши устувор бўлган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2635-сонли қарорининг 5-бандига асосан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари, Марказий банк, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли бўлган акциялар акциядорлик жамиятлари устав капиталидаги давлат улуши ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, хўжалик бошқаруви органларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган акциялар ҳамда улушлар жамиятлар устав капиталидаги давлат улуши ҳисобланмайди.

Шунга мувофиқ, давлат улушкига эга бўлган акциядорлик жамиятлари томонидан таъсис этилган корхоналар ўзларига тегишли мулкларни сотиш жараёнида уларни баҳолаш ва очик аукционлар орқали сотиш тизимидан айланиб ўтмоқда.

Шундан келиб чиқиб, жамиятларнинг устав фондида (устав капиталида) давлат корхоналари ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахсларнинг улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан ўзларига тегишли мулкларни белгиланган тартибда баҳолангандан сўнг очиқ аукционлар орқали сотиш тартибини жорий қилиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффоғлигини ошириш ҳамда иштирокчилар хуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5197-сонли қарорида ўз аксини топди.

**Х. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромадларга оид ваколатлари ҳамда харажатлар бўйича мажбуриятлари чегараланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини ўзи молиявий жиҳатдан етарлича таъминлашига доир таклифлар ишлаб чиқиши.**

**10.1.** Давлат бюджетининг 2020 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига асосан тасдиқланган маҳаллий бюджет параметрларини ижро қилиниши таҳлил қилинди.

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорда айрим даромад турларининг бюджетлар ўртасидаги тақсимотини (ажратмалар меъёрларини) нотўғри акс эттирилиши натижасида, даромадларни бюджет даражалари ўртасида нотўғри тақсимланишига сабаб бўлган.

Жумладан, Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги Қарорида Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик тури бўйича Кармана туман маҳаллий бюджетининг тушумлари вилоят бюджетига тўлиқ ўтказилиши кўзда тутилган.

Амалда ушбу солик тури бўйича тушумлар Навоий вилоятининг вилоят бюджетига кирим қилинган.

Халқ депутатлари Навоий, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорларида белгиланган 7 та солик турлари бўйича меъёрлар “Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими”га нотўғри киритилган.

Натижада Навоий вилоятининг вилоят ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетларига туманлар (шаҳарлар) бюджетларидан 40,2 млрд сўм, туманлар (шаҳарлар) бюджетларига Навоий ва Самарқанд вилоятларининг вилоят ҳамда Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетларидан 25,3 млрд сўм миқдоридаги тўловлар ўтказилмасдан қолган.

Ташқи аудит натижалари юзасидан аниқланган ҳолатларни келгусида олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ҳисоб палатасининг хulosаси билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

**10.2.** Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Давлат бюджети маблағларини мақсадли ва оқилона сарфланиши, келгусида талонтарожликларни олдини олиш мақсадида Давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш имкониятлари таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан 2021 йил учун Давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларининг даромадлари 173,4 трлн сўм, харажатлари 190,7 трлн сўм, тақчиллиги эса 17,3 трлн сўм миқдорида тасдиқланган.

Тақчилликнинг 15,5 трлн сўми ташқи қарзни жалб қилиш, 0,5 трлн сўми ички бозорда давлат қимматли қоғозларини чиқариш, 1,4 трлн сўми эса бюджетларнинг йил бошига қолдиқ маблағлари ҳисобига қопланиши белгиланган.

Таҳлилларда, 28 та вазирлик ва идоралар ҳамда 14 та ҳудудлар бўйича жами 2 120,9 млрд сўмлик бюджет харажатларини мақбуллаштириш имкониятлари аниқланди.

Жумладан:

- тасдиқланган харажатлар сметаларини қайта ҳисоб-китоб қилиш, 2021 йилни январь-июнь ойларида бюджет ташкилотларидағи вакант ўринларни тўлдирилмаслиги натижасида ишлатилмай қолган ҳамда эҳтиёж бўлмаган ортиқча маблағлар ҳисобига;

- 2021 йил бошида режалаштирилган хорижий валюта (АҚШ доллари) курсига боғлиқ бўлган харажатлардаги ижобий фарқлар ҳамда LIBOR курсларини пасайиши натижасида иқтисод бўлган маблағлар ҳисобига;

қурилиш объектлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер савдолари натижаларидан сўнг белгиланган лимитларга нисбатан иқтисод қилинган маблағлар ҳисобига;

Пенсия жамғармасининг даромадлари 2021 йилда прогнозга нисбатан ортиқча бажарилиши кутилаётганлиги ҳисобига Давлат бюджетидан ажратиладиган трансферларни мақбуллаштириш ҳисобига.

Юқоридагилардан ташқари, Халқаро молия институтлари иштирокида ичимлик сув таъминоти ва оқава сув тизими қурилиши бўйича инвестиция лойиҳалари ўрганилганда лойиҳалар қийматини 81,2 млн АҚШ доллари (853,0 млрд сўм)га мақбуллаштириш юзасидан таклифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Масалан, “Бухоро вилоятининг сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш” лойиҳасида 2019 йил 1 январдан давлат мақсадли жамғармаларига ундириладиган мажбурий ажратмалар бекор қилинган бўлсада, пудратчининг бошқа харажатлари таркибида мазкур ажратмалар ҳисобидан кўп ҳисоб-китоб қилинган.

Мақбуллаштириш имконияти аниқланган 2 120,9 млрд сўм бюджет маблағларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарорлари ва ҳудудларга ташрифлари давомида берилган топшириқлари асосида энг устувор вазифаларни молиялаштириш учун қайта тақсимлаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш бўйича Молия вазирлигига кўрсатма берилди.

Ҳисоб палатаси томонидан берилган кўрсатмалар асосида Молия вазирлиги томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган маблағлар тегишли ташкилотларни харажатлар сметаларига ўзгартиришлар киритиши орқали маблағлар мақбуллаштирилиб, устувор вазифаларни молиялаштириш учун қайта тақсимланди (2021 йил 5 ноябрда ЎРҚ-738-сон).

**10.3.** Республиkaning барча ҳудудларида 2021 йилда амалга оширилган ишлар, ҳисботларнинг ҳаққонийлиги ҳамда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш прогноз кўрсаткичлари ўрганилди.

Ўрганишда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида вазирлик, идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, Тошкент шаҳри ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда “Йўл харита”лари ишлаб чиқилиб, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Мазкур “Йўл харита”лари ижроси устидан доимий назорат

ўрнатилиб, қуйидаги ишлар амалга оширилди.

1. Солиқ тўловчи юзасидан юридик шахсларнинг 3,1 трлн сўмлик солиқ қарзини қисқартирилишида амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Ўрганишларда 76,3 млрд сўм қўшимча даромад манбалари аниқланиб, шундан 14,4 млрд сўми (қайта ҳисоботлар олинди) ундирилди, 24,5 млрд сўмлик қисмини ундириш бўйича амалий чоралар кўрилди.

2. Ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилмаган 121 та лойиҳа бўйича муаммолар бартараф этилиб, ишга туширилиши таъминланди.

Тўхтаб қолган ёки кам қувватда ишлаётган 76 та лойиҳаларни тўлиқ қувватда ишлаши таъминланди.

Ўрганишларда хусусийлаштирилган давлат мулки обьектларида инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни бажармаганлиги аниқланган 33 та тадбиркорнинг мулк ҳуқуқи суд тартибида бекор қилинди, 19 та ҳолат бўйича суд жараёни давом этмоқда, 18 та лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 1 120 та янги иш ўринлари яратилди.

3. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича кредитлар ажратилиши ва муаммоли кредитларни сўндирилиши бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилди.

4. Қишлоқ хўжалиги соҳасида гўшт, сут ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси қониқарсиз эканлиги қайд этилган Андижон, Сурхондарё, Фарғона, Наманган вилоятларида 23 та корхоналар мавжуд қувватлари оширилиши ва янги лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига сезиларли ўсишга эришилди.

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ишсиз аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш бўйича 125 нафар фуқарога ноқонуний тўланган маблағ жамғармага қайтарилиди ҳамда 82 нафар фуқародан маблағни қайтариш чоралари кўрилди.

Вазирлик тасарруфидаги жамғармалар маблағларини мақсадли ва самарали сарфланишини назорат қилиш мақсадида вазирликда 3 нафар, ҳудудий бошқармаларда 2 нафар ходимдан иборат Молиявий назорат бўлимлари, Жамоат ишлари жамғармаси ижрои дирекциясида 3 нафар ходимдан иборат Ички аудит бўлими ташкил этилди.

6. “Ijro.gov.uz” дастури бўйича барча топшириқларнинг ижроси назоратга олиниб, аниқланган ҳолатларни тизимли равища бартараф этиш чоралари кўрилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича ҳисботларни юритиш, реал вақт режимида солиқ қўмитасининг ахборот базаси билан мониторинг қилишга мўлжалланган “yangiish.mehnat.uz” электрон дастури жорий қилинди.

Юқоридаги ҳолатлар Ҳисоб палатаси бошчилигига вилоятларда ўтказилган йиғилишларда танқидий муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича масъул ташкилотларга топшириқлар берилди ҳамда назорати ҳокимликларга юклатилди.

Ўрганишлар натижалари бўйича ишларни ташкил этишда қолоқлик ва хатоликка йўл қўйган маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди идораларнинг 399 нафар мансабдор шахсларига нисбатан чоралар кўрилди.

Жумладан, 7 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 225 нафар шахсга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди, 128 нафари қонуний чора қўрилиши ҳақида қатъий огоҳлантирилди, 39 нафар шахс лавозимидан озод этилиши ва интизомий жазо чораси қўлланилиши юзасидан тақдимнома киритилди.

Ўрганишларда Ҳисоб палатаси томонидан кўрсатилган амалий ёрдамлар ва келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилди.

Шу каби ўрганишларни Ҳисоб палатасининг 2022 йил учун тасдиқланган назорат ишларининг режасида инобатга олинган ҳолда давом эттирилиши режалаштирилмоқда.

## **XI. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш**

**11.1.** Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва баёнларидағи топшириқлари ижросини назорат қилиш ишлари давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги Ф-5017-сонли фармойиши билан Ижро интизоми идораларарабо ягона электрон тизими жорий этилган.

Ягона идораларарабо ижро интизоми тизими (“ijro.gov.uz”) дастурига уланган вазирлик, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқарув органлари ва қуий тизим ташкилотлари сони 358 тани ташкил қилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш бўйича қуидаги ишлар амалга оширилди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралда “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6166-сонли Фармони ва 2021 йил 31 майда “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларарабо ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5132-сонли қарори қабул қилинди.

Амалдаги тартиблардан фарқли равишда мазкур ҳужжатларга асосан, “Ijro.gov.uz” электрон тизимида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ижросини назорат қилиш ҳам йўлга кўйилди.

Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини таъминлаш юзасидан Адлия вазирлигига қўшимча вазифалар юклатилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сонли Фармонининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан 2021 йилнинг март ойида Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар ва хўжалик бирлашмаларининг 8 318 та мутасадди раҳбар ва ходимлари иштирокида ўқув амалий семинарлари ўтказилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари бажарилишини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда топшириқлар ижроси юзасидан киритилаётган ахборотлар сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида “adm.ijro.uz” ва Вазирлар Маҳкамасида “km.ijro.uz” қўшимча модуллари яратилди.

Ҳар бир давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар ва хўжалик бирлашмаларида ички назорат ва ҳисобот тизимини олиб боришда қулайлик яратиш мақсадида “ijro.gov.uz” тизимида қўшимча модуллар ишга туширилди.

Вазирлик ва идоралар томонидан киритилаётган ахборотларни “ijro.gov.uz” электрон тизимида Адлия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг котибиятлари томонидан кўриб чиқилиши ва тизим орқали мониторинг қилиш имконияти жорий қилинди.

“Ijro.gov.uz” электрон тизимида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижроси ўз вақтида таъминлаб боришнинг самарадорлик қўрсаткичларини (КРІ) аниқлаб бориш имконияти яратилди.

4. 2022 йил 1 январь ҳолатига Қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган 2 923 та хужжатдаги 63 676 та, жумладан 47 та Қонундаги 135 та, 630 та Фармондаги 10 378 та, 1 647 та қарордаги 29 317 та, 276 та фармойишдаги 1 215 та ва 323 та йиғилиш баёнларидағи 22 631 та топшириқлар электрон тизимиға киритилган ва ижроси назоратга олинган.

Жумладан, 2021 йилда қабул қилинган 407 та хужжатдаги 12 552 та, шу жумладан 47 та Қонундаги 135 та, 67 та Фармондаги 2 341 та, 232 та қарордаги 6 207 та, 10 та фармойищдаги 285 та ва 51 та йиғилиш баёнидаги 3 584 та топшириқлар йил давомида “Ijro.gov.uz” электрон тизимиға киритилди ва ижроси устидан кунлик назорат ўрнатилди.

2021 йилда электрон тизимга киритилган 64 684 та ахборот ва маълумотлар Ҳисоб палатаси ходимлари томонидан қабул қилинди, 10 мингдан ортиқ маълумотлар етарли асос келтирилмаганлиги сабабли қайта ишлаш учун ижро чиларга қайтарилди.

5. 2021 йилда топшириқлар ижро муддатини узайтириш бўйича Ҳисоб палатаси томонидан масъулларнинг 154 та мурожаатлари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тегишли холосалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларини ижро ҳолати йил давомида Вазирлар Маҳкамаси билан ҳамкорликда муҳокама қилиб борилди.

6. 2021 йилда 4 та вазирлик ва 14 та худудда тематик ва манзилли ўрганишлар ўтказилди.

Жумладан, худудларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг ижроси бўйича маълумотларнинг ҳаққонийлиги худудий адлия бошқармалари билан биргаликда ўрганилди.

Ишчи гурухлар томонидан “Ijro.gov.uz” электрон тизими маълумотлари асосида 2021 йилда бажарилганлиги кўрсатилган 325 та топшириқлар танланма асосда саралаб олинди.

Бунда ижронинг ҳақиқий ҳолати ва самарасини жойларда кўриш мумкин бўлган топшириқларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганишлар натижасида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ижрочи сифатида белгиланган 296 та топшириқнинг ижросини таъминлашга амалий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, ўрганишларда Навоий вилоятида 16 та, Жиззах вилоятида 15 та, Бухоро вилоятида 13 та, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳарида 8 тадан топшириқлар ижроси тўғрисида тизимга киритилган маълумотлар ўз тасдифини топмади.

Ижро түғрисида нотұғри ва асоссиз маълумотлар киритилгандықтан сабабли назоратдан чиқарылған ушбу топшириқлар “Ijro.gov.uz” электрон тизимида қайта назоратта олинди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарори билан қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари ижро интизоми учун раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги белгиланган.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларини ижроси жойларга чиққан ҳолда ўрганилганда аниқланған номувофиқликлар ҳамда топшириқларни ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйилишини бартараф этиш юзасидан вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликка 42 та қўрсатма ва тақдимномалар киритилди.

Мазкур тақдимномалар асосида 2021 йилда топшириқлар ижросини таъминлашда ижро интизомига риоя қилмаган 284 нафар раҳбар ва масъулларга интизомий чоралар кўрилди, 51 нафари огоҳлантирилди.

## **ХII. Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсатини, Ўзбекистон Республикасининг активлари ҳамда мажбуриятлари ҳолатини, олтин-валюта захираларининг бошқарилишини, шунингдек қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга оширилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш**

**12.1.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни бошқариш тартиби таҳлил қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни бошқаришни тартибга солиш тўғрисида”ги 383-сонли қарорида Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш тартиби белгиланган.

Бунда, Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни депозитларига жойлаштирилиши мумкин бўлган тижорат банкларини аниқлаш Ғазначилик томонидан Молия вазирлигининг тегишли ахборот тизимида эълон жойлаштириш танлов йўли билан амалга оширилади.

Шунга қарамасдан, Ғазначилик ва Марказий банк ўртасида 2020 йил 13 февралда 170-сонли шартнома тузилиб, Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинчалик бўш турган пул маблағлари 2021 йил 24 июня қадар танлов ўтказмаган ҳолда тўғридан-тўғри Марказий банк депозитига жойлаштирилган.

Депозитга жойлаштирилган маблағлар учун Марказий банк томонидан 260,5 млрд сўм фоизлар тарзидағи даромадлар ҳисобланиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги 383-сонли қарорида белгиланган тартибда тақсимланган.

Мазкур ҳолатда Марказий банк томонидан Солиқ кодексининг 344-345-моддаларида белгиланган тартибга амал қилинмасдан, 15 фоизлик ставкада тўлов манбаида солиқ суммаси Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига тўлаб берилмагани аниқланиб, мазкур маблағларни республика бюджетига ўткзиб берилиши таъминланди.

**12.2.** “Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда валюта операциялари бўйича олинган даромадлар ва ташқи қарзлар (кредитлар) ҳисобини тўғри акс эттирилиши ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 555,0 млн доллар миқдорида халқаро облигациялар 10 йил муддатга ва 2 трлн сўм миқдоридаги халқаро облигациялар 3 йил муддатга тегишли ставкалар билан жойлаштирилган.

Мазкур жойлаштирилган халқаро облигациялар учун Молия вазирлиги Ғазначилигининг валюта ҳисобварағига 2020 йилда 746,8 млн доллар маблағлар келиб тушган.

Ушбу маблағларнинг 399,8 млрд сўми (38,2 млн доллар) 2020 йилда тижорат банкларига оилавий тадбиркорлик дастурлари учун ресурс сифатида депозитларга жойлаштирилган ва “Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда “Узоқ муддатли евро облигациялардан тушган тушумлар” даромад турида акс эттирилган.

Халқаро облигациялар учун 2020 йилда келиб тушган маблағларнинг қолган қисми “Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда “Узоқ муддатли евро облигациялардан тушган тушумлар” даромад турида акс эттирилмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида 2019 йилда Молия вазирлиги томонидан:

- тижорат банкларга (9 та) жами 889,2 млн доллар депозитлар жойлаштирилган;
- фоиз ставкалари асосида 20 млн доллар субординар қарз сифатида кредит линиясини очиш учун тижорат банкларга берилган;
- давлат корхоналарига фоиз ставкалари асосида 89,9 млн доллар хорижий валютада бюджет ссудаси сифатида ажратилган.

Тижорат банклари ва давлат корхоналарига жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан 2020 йилда жами 49,3 млн доллар (миллий валютадаги эквиваленти 487,4 млрд сўм) фоизлар тарзидағи даромадлар олинган.

Суверен облигациялар учун ҳисобланган фоизлар бўйича харажатларга 2020 йилда 50,6 млн доллар (миллий валютадаги эквиваленти 500,4 млрд сўм) тўлаб берилган.

“Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан фоизлар тарзида олинган даромадлар ва халқаро облигацияларнинг фоиз харажатлари учун йўналтирилган миқдоридаги харажатлар “Давлат бюджетининг харажатлари ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда акс эттирилмаган.

Аниқланган ҳолатларни келгусида олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ҳисоб палатасининг хulosаси билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

**12.3. Ҳудудларда 2021 йилнинг август-октябрь ойларида дастурлар доирасида кредит маблағлари ажратилиши ҳамда муаммоли кредит қарздорликларни бартараф этиш ишларнинг ҳолати Марказий банк ва тијорат банклари билан биргаликда ўрганилди.**

1. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ижроси.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари (ПҚ-5041) доирасида 2021 йилнинг ҳисобот даврида 7,1 трлн сўмлик кредит берилган.

Кредит ажратиш режаси 6 та ҳудудда (Қорақалпоғистон, Сирдарё, Навоий, Самарқанд, Тошкент вил. ва Тошкент ш.) бажарилмагани ва кредит ажратишни кутаётган аризалар (40 мингдан ортиқ) эса йиғилиб қолгани аниқланди.

Навоий вилоятида танлов асосида 20 нафар жисмоний шахсга ажратилган муаммоли кредитлар ўрганилганда, уларнинг 13 нафарига ажратилган кредитлар мақсадсиз ишлатилгани аниқланди.

Хусусан, ўзаро алоқадор 3 нафар фуқарога 51 та кредит шартномаси билан ажратилган кредитлар мақсадсиз сарфланган.

Дастур бўйича ажратилган кредитлар муаммоли ҳолатда эканлиги маълум бўлди.

Масалан, Халқ банки Нурота филиали ходими укаси ва турмуш ўртоғи номига 6 та кредит шартномаси билан кредит ажратилиб, мақсадсиз ишлатилган.

Дастурлар бўйича аризаларни кўриб чиқиши талабларига риоя қилмаган 432 та банк филиалларининг 945 нафар ходимларига нисбатан интизомий жазо чоралари (шундан, 32 таси лавозимидан озод этилган) кўлланилди.

Дастур координаторлари томонидан 2021 йил учун ресурслар қайта тақсимланди ва йил якуни билан 352 мингдан ортиқ лойиҳаларга 8,6 трлн сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Жорий йилда дастур бўйича кредит ажратиш Ягона электрон платформасига интеграция қилиш орқали амалга ошириш режалаштирилган.

Натижада аризалар инсон омилисиз скоринг баҳолаш натижаларига кўра автоматлаштирилган ҳолда тезкор кўриб чиқилади.

## 2. Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури ижроси.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан хизматлар соҳасини ривожлантириш (ПҚ-5113) учун биринчи транш доирасида 1,6 трлн сўм ресурс ажратиш белгиланган.

Манзилли рўйхат пухта эмаслиги ва кредитлаш кечикиши натижасида, ўрганиш даврига маблағларнинг фақатгина 48 фоизи ўзлаштирган.

Марказий банк томонидан банкларга дастур бўйича кредитларни манзилли рўйхат бўйича ажратиш, лойиҳаларнинг ўз муддатида ишга туширилиши ва мониторинг қилиб бориш вазифалари юклатилди.

2021 йилда хизмат кўрсатиш соҳасига дастур доирасида 1 863 та тадбиркорларга 1,6 трлн сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мазкур маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши юзасидан жорий йилда текширувлар ўтказилмоқда.

## 3. Муаммоли кредит қарздорликларни бартараф этилиши.

Худудларда муаммоли кредит қарздорликларини бартараф этиш юзасидан режа-график ишлаб чиқилган.

Шунга қарамай, 2021 йил июль-сентябрь ойларида муаммоли кредитлар 16,6 трлн сўмдан 18,6 трлн сўмга етиб, 2 трлн сўмга ортган.

Муаммоли кредитлар улуши 2021 йилнинг август-ноябрь ойларида 0,5 фоиз бандга камайиб, 1 декабрь ҳолатига 18,4 трлн сўмни ташкил этди.

2018-2019 йилларда вужудга келган 164 млрд сўмлик “умидсиз” кредитлар (дастурлардаги) балансдан ташқари ҳисобварақларга ўтказилди.

**XIII. Давлат бошқарув органларида, шунингдек устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимини жорий қилишга, шунингдек унинг самарали фаолият кўрсатишига доир чораларниң амалга оширилиши устидан назорат қилиш.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 27 июлда ўтказилган йиғилишдаги берилган топшириқقا асосан 14 та вазирлик, идоралар ва 12 та давлат улушига эга ташкилотларда “коррупцияга қарши мувофиқлик тизими” (комплаенс назорат) жорий этилди.

Бунда, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда Хисоб палатасида алоҳида маҳсус Ишчи гурӯҳ ташкил этилди.

Вазирлик ва идоралардан Йўл хариталарни ишлаб чиқилиши ва ижроси бўйича раҳбарнинг биринчи ўринbosарлари биректирилди ҳамда 26 та вазирлик ва идораларда “Йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

“Йўл харита”лари Президент Администрацияси томонидан тасдиқланган Режа-график асосида Хисоб палатаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда вазирлик ва идоралар масъуллари иштирокида доимий муҳокама қилиб борилди.

“Комплаенс назорат” бўйича амалга оширилган ишларнинг ҳисобот шакллари ва рейтинг тизими ишлаб чиқилди.

anticor.ijro.uz электрон назорат тизими жорий этилиб, тасдиқланган “Йўл хариталари”даги 1 176 та топшириқлар ижроси назоратга олинган.

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига “Ўзбекистон республика товархом ашё биржаси” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзбекнефтегаз” АЖ, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлигига коррупцияга қарши менежменти тизими бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарт сертификати олинди.

Коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган 8 та вазирлик ва идораларда фойдаланилаётган электрон маълумотлар базалари ўзаро интеграция қилинди, 1 тасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

“Яширин иқтисодиётни қисқартириш ҳамда коррупцияга қарши “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш” юзасидан хорижий компаниялар ва эксперталар билан музокаралар ўтказилди.

Республика O'zDSt ISO 37001:2019 стандарти бўйича менежмент тизимларини (“Cert Internaitonal” МЧЖ) сертификатлаштириш органи аккредитациядан ўтказилди ва 2021 йил 24 марта давлат рўйхатига киритилди.

Вазирлик ва идоралар тузилмаларида “Комплаенс назорат” хизмати бўйича янги ташкил этилган 543 та штат бирлигига 381 нафар (70,2 фоиз) ходимлар қабул қилинган ҳамда 144 нафар ходим (37,8 фоиз) коррупцияга қарши дастур доиласида малака оширди.

Тасдиқланган “Йўл ҳариталари”да белгиланган вазифалар ижроси ҳисоботлардаги кўрсаткичларни тўғрилиги 19 та вазирлик ва идоралар ҳамда Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликларига жойига чиқиб ўрганилди. Соғликни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Марказий банк ҳамда Молия вазирлигига “Йўл ҳариталари” ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар қониқарсиз деб баҳоланди.

Маълумот учун: Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган “Йўл ҳаритаси”сида 20 та топшириқ белгиланган бўлиб, муддати келган 18 та топшириқдан 9 таси (50 фоиз) бажарилган, қолган 9 та топшириқ ижроси ўз вақтида бажарилмаган.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ҳокимликларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори асосан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 125 та барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доиласида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

#### **XIV. Бошқа амалга оширилган ишлар.**

**14.1.** Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 сентябрда “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4840-сонли қарорининг ижроси юзасидан назорат ишлари олиб борилди.

2021 йилда лойиҳа доирасида режалаштирилган жами 7 345 минг дона замонавий ҳисоблагичлар, шунингдек концентратор ва баланс ҳисоблагичлар истеъмолчиларга тўлиқ ўрнатилди.

Магистрал электр тармоқларидан кирувчи ва подстанциялардаги техник йўқотишлар ҳисоб-китоби АСКУЭ тизими билан интеграция қилинди. АСКУЭ тизимини бошқарув маркази тўлиқ ишга туширилди.

Лойиҳанинг амалга оширилиши бўйича самарали назорат ўрнатилиб, ундирув даражаси 100,1 фоизга чиқарилди, қарздор истеъмолчилар сони 6 баробарга камайди.

Айрим харажатларни мақбуллаштириш эвазига лойиҳанинг қиймати 70,9 млн долларгача қисқартирилди, 12,4 млн долларлик ташқи қарз ҳисобидан олинган кредитлар қайтарилди.

Шунингдек, табиий газ бўйича электрон ҳисоблагичларини ўрнатиш лойиҳаси ҳам назоратга олиниб, Энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда ишлар ташкил қилинди.

Республика истеъмолчиларига 2 237,9 минг дона, шу жумладан табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган 22 та туман ва шаҳарлар (“Қизил” ҳудудлар)да 1 518 минг дона ақлли ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Натижада тушумлар миқдори олдинги йилга нисбатан икки баробарга ортди. Тушумларнинг мақсадли ишлатилиши назоратга олиниб, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан олинган 150 млн долл миқдоридаги кредитнинг 21,2 млн доллари (14,1 фоизи) графикда белгиланган муддатдан олдин қайтарилиши таъминланди.

Бундан ташқари, ҳамкорликда ўтказилган назорат тадбирлари натижасида электр энергияси ва табиий газ бўйича 306 млрд сўмлик қоидабузарликлар аниқланиб, ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олди олинди.

**14.2.** “Худудгаз Пойтахт” газ таъминоти филиали ва унга қарашли газ таъминоти бўлимларининг электрон газ ҳисоблаш ускуналарини ўрнатилиши жойларга чиқсан ҳолда танланма равишда ўрганилди.

Ўрганишда лойиҳа доирасида “Технопарк” МЧЖдан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан харид қилинган “Худудгазтаъминот” АЖ ҳисобидаги 2 881 дона ҳисоблагичлар қарор талабларига амал қилинмасдан тадбиркорлик субъектларининг обьектларига ўрнатилганлиги аниқланди.

Жумладан, Яккасарой туманида 600 дона, Шайхонтоҳурда 498 дона, Сергелида 452 дона, Мирзо-Улуғбекда 418 дона, Мирбодда 301 дона, Яшнободда 236 дона, Олмазорда 224 дона, Чилонзорда 120 дона ва Юнусободда 32 донани ташкил этади.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли табиий газ таъминоти бўлинмаларининг раҳбарларига ҳайфсан интизомий чоралари кўрилди.

Ўрганишни барча истеъмолчилар кесимида тўлиқ амалга ошириш бўйича “Худудгаз Пойтахт” газ таъминоти филиали раҳбарининг бўйруғини расмийлаштирилиши таъминланди ва ижроси назоратга олинди.

**14.3.** 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва Олий аудит органларининг нуфузли халқаро ташкилотларига аъзо бўлиш борасида бир қатор амалий ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ИНТОСАИнинг Бошқарув Кенгашига раислик қилувчи Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси раиси ҳамда мазкур ташкилотнинг Бош котиби, Австрия Олий аудит органи раҳбари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилди.

Улар томонидан ИНТОСАИга кириш ташаббусимиз тўлиқ қўллаб-куватланиши натижасида 2021 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ИНТОСАИнинг тўлақонли аъзоси сифатида қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси 2021 йилнинг март ойида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг олий молиявий назорат органлари раҳбарлари Кенгашига янги аъзо сифатида қабул қилинди.

Олий аудит органларининг халқаро стандартлари (ISSAI) асосида ташқи аудитнинг молиявий, самарадорлик ва мувофиқлик стандартлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

2022 йил 1 январдан бошлаб барча ташқи аудит тадбирлари ушбу стандартлар асосида амалга оширилмоқда.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда “Давлат аудити” дастурий комплекси ишлаб чиқилди ва фаолияти йўлга қўйилди.

2022 йилдан бошлаб барча давлат молиявий назорати органлари ва ички аудит хизматларининг назорат ишлари режалари, назорат тадбирлари ва уларнинг натижалари ушбу дастурий комплексга киритиб борилади.

Илғор тажрибага эга бўлган хорижий давлатлар Олий аудит органлари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар (Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси, ИНТОСАИ, Бирлашган Вена институти) мутахассислари иштирокида ўтказилган давлат молиявий назорати соҳасидаги 7 та маҳорат дарслари, тренинг ва семинарларда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари иштирок этди.

Шунингдек, Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги томонидан кадрлар тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш жараёнига олий таълим муассасаларини жалб қилиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

**14.4.** Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Янгийўл ва Ўртачирчик туманлари ҳамда Сурхондарё вилоятининг Денов туманларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган дастурлар ижроси доимий, жойига чиқсан ҳолда назоратга олиниб, амалий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

Оҳангарон туман ҳудудида қурилиши ва таъмирланиши белгиланган жами 97 та обьектларнинг барчасида қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Жами 45 та мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди, 20 та мактабгача таълим ташкилотини фойдаланишга топширилди, 18 та оиласвий боғча ташкил этилди.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган 3 398 нафар фуқаролар иш билан таъминланиб, рўйхатдан чиқарилди.

Тоғли ҳудудларда сел йўлидаги 2 та кўприк қайта таъмирланди, 153,4 км тупроқ йўлларга қум-шағал ётқизилди 31,2 км узунликдаги ички йўллар асфальт қилинди.

Янгийўл туман “Кичик саноат зонаси” бўйича 1,7 км ички йўллар ирригация тармоқлари монтаж қилиниб шағаллаштирилди, асфальт қопламасидан олдин бетонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Марказий тармоқлардан саноат зонасигача 2 км ичимлик ва 1,2 км оқова сув ҳамда саноат ички ҳудудидаги 1,7 км тармоқларни тортиш ишлари якунланди.

“Кичик саноат зонаси”нинг 36 гектар ер майдонига умумий қиймати 423,2 млрд сўм бўлган 14 та лойиҳалар тўлиқ жойлаштирилиб, барча лойиҳалар бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилди.

Ўртачирчиқ туманидаги собиқ Агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежининг бўш турган 2 та бино ва иншоотлари, 3,84 гектар ер майдонлари белгиланган тартибда туман ҳокимлиги балансига олинди.

Туман захирасига олинган 4 қаватли колледж биносини нотурар жойларда истиқомат қилиб келаётган 33 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласаларга бериш учун 3 млрд сўм бюджет маблағлари ҳисобидан мукаммал таъмирланди.

Худди шу каби, захирага олинган 2 қаватли колледж биносида 25 йилдан бўён истиқомат қилиб келаётган 8 нафар начор оиласаларга беғараз эгалик ҳуқуқи билан расмийлаштириб берилди.

Тумандаги “Нурафшон шаҳар касб-хунар мактаби”нинг номи “Ўртачирчиқ тумани агросаноат ва транспорт касб-хунар мактаби”га ўзгартирилди.

Тумандаги 50 гектар ер майдонида саноат усулидаги табиий газга мослашган замонавий иссиқхона ташкил этиш бўйича тендер савдолари ўтказилиб, 2 та ташаббускорлар аниқланди.

Маишӣ чиқиндиларни тўплаб олиб кетиш станцияларини ташкил этиш бўйича 1 гектар ер майдони ажратилиб, архитектура-режалаштириш топширифи лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Денов тумани “Лочин” маҳалласидаги 12 та кўп қаватли уйларнинг 10 таси фойдаланишга топширилди ва 2 тасини 2022 йилнинг март ойида тўлиқ якунлаш белгиланди.

Шунингдек, ҳудудни ободонлаштириш, кўкаlamзорлаштириш ва ташқи муҳандислик тармоқларини тортиш (ичимлик ва оқова сув тармоғи, техник сув таъминоти ҳамда юқори ва ўрта босимли газ қувурларини ётқизиш) ишлари олиб борилмоқда.

“Бобур” маҳалласидаги ичимлик сув иншоотини реконструкция қилиш обьектида қўшимча равища лаборатория биноси, сув тўплаш иншооти (резервуар) ҳамда зарур насос ускуналарини ўрнатиш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари учун маблағларни пудратчига ўтказиб берилиши таъминланди.

Шу билан биргаликда, Дастур доирасида амалга оширилган ишлар ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мунтазам равища муҳокама қилиниб, ижроси назоратга олинди.

**14.5. Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йилда амалга оширилган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш, қонун бузилишларни барвақт олдини олиш мақсадида 59 та материаллар тайёрланиб, Ҳисоб палатасининг расмий веб-сайти, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритилди.**

Жумладан, Ҳисоб палатасининг расмий веб-сайти орқали 29 та материаллар ҳамда миллий телевидения орқали 23 та видео материаллар тайёрланиб, лавҳалар чиқарилди.

*Ўзбекистон Республикаси  
Ҳисоб палатаси*